

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БЕКТАШЕВ ОТАБЕК ҚОДИРАЛИЕВИЧ**

**КОНЦЕПТУАЛ АХБОРОТНИНГ ФАОЛЛАШУВИДА «КУЧ»  
ЭЛЕМЕНТЛИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ВОҶЕЛАНИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютар лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Бекташев Отабек Қодиралиевич**

Концептуал ахборотнинг фаоллашувида «куч» элементли тил  
бирликларининг воқеланиши..... 3

**Bektashev Otabek Kodiralievich**

Realization of language units with the element «force» in the actualization  
of conceptual information..... 29

**Бекташев Отабек Қодиралиевич**

Реализация языковых единиц с элементом «сила» в активации  
концептуальной информации ..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БЕКТАШЕВ ОТАБЕК ҚОДИРАЛИЕВИЧ**

**КОНЦЕПТУАЛ АХБОРОТНИНГ ФАОЛЛАШУВИДА «КУЧ»  
ЭЛЕМЕНТЛИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.222 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Диссертация Кўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Умархўжаев Мухторхон Эшонхўжаевич</b><br>филология фанлари доктори, профессор   |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Ҳакимов Мухаммадхон Хўжанович</b><br>филология фанлари доктори, профессор<br><b>Хайруллаев Хуршид Зайнишевич</b><br>филология фанлари номзоди, доцент |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети</b>  |

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Қосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**И.Т. Хожалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**А.М. Мамажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий тилшуносликда ўз ўрнига эга бўлаётган когнитив тилшунослик, лингвокультурология ҳамда тил бирликлари таҳлиliga антропоцентрик ёндашув лингвистикага кўплаб янги тушунча, терминология ҳамда таҳлил усуллари олиб кирди. Концептуал ахборотни тил ёрдамида воқелантиришнинг турли тизимли тилларда ижтимоий ва коммуникатив–прагматик жиҳатдан тадқиқ этилиши нақадар муҳим эканлигини замонавий тилшуносликда когнитив йўналишнинг ривожланиб бораётганлиги билан асослаш мумкин.

Бу борада, ҳозирги пайтда жадал ривожланиб келаётган йўналишлардан бири бу – когнитив тилшунослик бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда ривожланиб келаётган когнитив тилшунослик, лингвокультурология, тил ва тафаккур билан боғлиқ бўлган бошқа илмий йўналишларни эътиборга олиб, шу нарсани таъкидлаш жуда муҳимки, инсон онгида кечадиган фикрий (ментал) жараёнларни лисоний фаолият билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муаммолари ҳақида етарлича тадқиқот олиб борилмаган. Тил семантикаси оламни акс эттирар экан, айрим тилшунослар уни тасвирий жиҳатдан “оламнинг тилдаги тасвири” деб номлайдилар. Яна шуни таъкидлаш жоизки, когнитив тилшуносликда “оламнинг концептуал тасвири” деган тушунча ҳам мавжуд. Тилшуносларнинг таъкидлашича, инсонда олам ҳақидаги билимлар концептлар асосида йиғилиб боради. Концепт назарияси жуда қизиқ бўлсада, у кўпгина изланишлар ва исбот талаб қилади. Шу нарсани таъкидлаш жуда муҳимки, концептлар структураси ва таркиби, гуруҳланишнинг асосий тамойиллари ва шунга ўхшаш жумбоқли муаммолар ҳануз ўз ечимини кутмоқда. Бу борада ягона, яқдил фикрнинг йўқлиги шу нарса билан боғлиқки, концепт кўп қатламли структурага эгадир. Шу аснода ҳозирда жаҳон тилшунослигида концептуал ахборотни тил ёрдамида воқелантиришнинг чоғиштирма тадқиқи қилиниши, хусусан, “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг ҳолатлар ифодаси унинг тил бирликлари ёрдамида ифодаланиши зарурияти билан боғлиқдир.

Ўзбек тилшунослигида когнитив тилшунослик доирасидаги тадқиқотлар асосан концептуализация соҳасида амалга оширилган бўлиб, категоризация масаласида олиб борилган монографик тадқиқотлар нисбатан камчиликни ташкил қилади. Шу сабабли мазкур муаммо когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ҳали етарлича ўрганилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup> масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал. – № 28.

тилшунослик соҳасида кенг кўламда илмий изланишлар олиб бориш, шу соҳага оид ўқув-методик кўлланмалар яратиш ишларини янги босқичга олиб чиқди. Бу борада концептуал ахборотни тил ёрдамида воқелантиришнинг чоғиштирма тадқиқ қилиниш ҳодисасининг ўзи ижтимоий ва коммуникатив-прагматик жиҳатдан муҳимлиги, замонавий тилшуносликда ушбу масалани когнитив нуқтаи-назардан тадқиқ этиш янада долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг **И.** «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида таркибида “куч” семасига эга бўлган тил бирликлари тадқиқига доир бир қатор ишлар яратилган. Ушбу масала Н.Д.Арутюнова, А.А.Уфимцева, Т.Я.Ким, М.Я.Гловинская, Н.В.Елисеева, С.К.Воронова, А.М.Аматов, L.Talmy, Th.Ballmer ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари<sup>2</sup>да ҳам турли даражада ёритилган.

---

<sup>2</sup> Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. - М.: Яз. рус. культуры, 1998. - 895 с.; Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принцип семиологического описания лексики. - М.: Наука, 1986. - 240 с.; Ким Т.Я. Семантика и синтаксическая сочетаемость глаголов побуждения // Исследования по семантике (семантика языка и речи). Межвуз. сб. науч. тр. - Уфа: Изд-во Башк. гос. ун-та, 1991. - С. 125-131; Гловинская М.Я. Русские речевые акты со значением ментального воздействия // Логический анализ языка. Ментальные действия. - М.: Наука, 1993. - С. 82-88; Елисеева Н.В. Когнитивный аспект

Тилшуносликда, феълларнинг умумхусусиятлари билан бир қаторда, *буйруқ* ёки *талаб қилишни* ифодаловчи тил бирликлари сифатида И.Г.Жирова, Th.Ballmer, A.Wierzbicka ишлари<sup>3</sup>да, феъллардаги *персуазивлик* эса Н.А.Кобрина ишлари<sup>4</sup>да тадқиқ қилинган. Бу ишларда, асосан, тил бирликлари алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда ўрганилган ёки *нутқий таъсир* феълларининг у ёки бу таҳлили феълларнинг лексик-семантик гуруҳлари доирасида олиб борилган.

“Куч” концептини фаоллаштирган тил бирликларидан англашилган модал таркибий қисм (зарурият ва мажбурият маънолари) каузация семаси билан чамбарчас боғлиқ. В.И.Карасик, Е.И.Беляева, И.Г.Жирова, Е.Е.Корди, Ж.А.Якубов ишлари<sup>5</sup>да модал маънони берувчи бирликлар тадқиқ қилинган. Модал компонентларнинг “куч” концепти бирликлари структурасига кириши бу тилшуносларга уларни “модал модификаторлар” деб аташига туртки берди<sup>6</sup>.

---

семантики и функционирования английских глаголов речевой коммуникации. Автореф. дисс...канд. филол. наук.-М.,1996.-25с.; Воронова С.К. Пропозициональная модальность глаголов каузации мнения в современном английском языке // Синтаксическая семантика конструкций с предикатными актантами. - Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1998. - С. 151-192; Воронова С.К. Пропозициональная модальность глаголов каузации мнения в современном английском языке // Синтаксическая семантика конструкций с предикатными актантами. - Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1998. - С. 151-192; Ааматов А.М. Семантика и синтаксис сложных предикатов с каузативным побудительно-волитивным значением: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - М., 2000. - 20 с.; Talmy L. Semantic causative types // Syntax and semantics. - NY.: Academic press, 1976. Vol.6. - P. 43-116; Ballmer Th., Brennenstuhl W. Speech act classification. A study in the lexical analysis of English speech activity verbs. - Springer, Berlin Heidelberg, 1981. - 276 p.

<sup>3</sup> Жирова И.Г. Лексико-семантическая группа глаголов, выражающих волеизъявление в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Одесса, 1990. - 16 с.; Ballmer Th., Brennenstuhl W. Speech act classification. A study in the lexical analysis of English speech activity verbs. - Springer, Berlin Heidelberg, 1981. - 276 p.; Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков / Пер. с англ. А.Д. Шмелёва под ред.Т.В. Булыгиной. - М.: Яз. рус. культуры, 1999. - 780 с.

<sup>4</sup> Кобрина Н.А. Модусные категории как способы выражения субъективного отношения человека к высказыванию // Вопросы когнитивной лингвистики. - Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 2006. - №2. - С. 90-100.

<sup>5</sup> Карасик В.И. Языковая личность: культурные концепты. - Волгоград; Архангельск: Перемена, 1996. - 259 с.; Беляева Е.И. Анализ системы средств выражения модальности вынужденности в методическом плане // Методика обучения иноязычной устной речи. - Воронеж: Изд-во Воронежск. гос. ун-та, 1979. - С. 8-12; Жирова И.Г. Лексико-семантическая группа глаголов, выражающих волеизъявление в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Одесса, 1990. - 16 с.; Корди Е.Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. - М.: Едиториал УРСС, 2004. - 168 с.; Якубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантик ва тилда ифодаланиш семантик хусусиятлари. -Т.: Фан, 2005. - 223 б.

<sup>6</sup> Беляева Е.И. Функционально-семантические поля модальности в английском и русском языках. - Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1985. - 180 с.

“Модаллашган феъллар” ёки “каузатив-модал феъллар”<sup>7</sup> ҳақиқий модал ва модал бўлмаган феъллар ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди.

“Куч” концептининг турли хил вербал воситалар билан ифодаланишини ҳисобга олган ҳолда, Л.М.Васильев кенг маънодаги “мажбурлаш”, “кўндириш”, “тазийқ ўтказиш”, “зўрлаш” маъноларини ифодаловчи бирликлар ва уларнинг инглиз тилидаги эквивалентлари *to force, compel, coerce, oblige* ва персуазивлик (инглиз тилидаги *to persuade* – ишонтирмак феълидан келиб чиққан) билан мажбурлашни ифодаловчи феъллар (*to induce, prevail, cajole, beguile, trick, manipulate, con* ва бошқалар)нинг семантик хусусиятлари устида тадқиқотлар олиб борган<sup>8</sup>.

*Нутқий коммуникация* тоифасига мансуб бўлган тил бирликлари гуруҳи Н.В. Елисеева томонидан когнитив йўналишда тадқиқ қилинган<sup>9</sup>. Муаллиф *нутқий таъсир* феъллари гуруҳига кирувчи феълларни “буйруқ”, “тақиқлаш”, “талаб қилиш” маъноларини ифодаловчи, *кўндириш-унатиш/ялиниб-ёлвориш* ни ифодаловчи тил бирликлари (улар қаторига *to cajole, coax, wheedle, inveigle, sweet-talk* ва бошқа бирликларни киритиш мумкин), “*маслаҳат*”, “*огоҳлантириш*”, “*илтимос қилиш*” маъносини ифодаловчи тил бирликларининг семантик ва функционал хусусиятларини таҳлил қилган.

Л.М.Васильев, М.А.Шибатани, В.П.Недялков, Г.Г.Сильницкий ва В.М.Аринштейнларнинг ишлари<sup>10</sup> да нутқий коммуникация концептуал майдонига тегишли бўлган тил бирликларининг семантик ва функционал хусусиятлари ўрганилган.

Ушбу диссертацияга муҳим назарий улуш сифатида О.О.Королькова томонидан бажарилган рус тилидаги тил бирликларининг психик таъсирига оид тадқиқот натижаларини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Муаллиф ифодаланиши таъсир характерида мос тил бирликларини гуруҳлаштириб, сўнг бу бирликларни маънолари асосида синонимик қаторларга бўлиб чиқади<sup>11</sup>.

<sup>7</sup> Карасик В.И. Языковая личность: культурные концепты. - Волгоград; Архангельск: Перемена, 1996. - 259 с.

<sup>8</sup> Васильев Л.М. Семантика русского глагола. Глаголы речи, звучания и поведения. - Уфа: Изд-во Башк. гос. ун-та, 1981. - 71 с.

<sup>9</sup> Елисеева Н.В. Когнитивный аспект семантики и функциони-рования английских глаголов речевой коммуникации: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - М., 1996. - 25 с.

<sup>10</sup> Васильев Л.М. Семантика русского глагола. Глаголы речи, звучания и поведения. - Уфа: Изд-во Башк. гос. ун-та, 1981. - 71 с.; Shibatani M. A grammar of causative constructions: A conspectus// Syntax and Semantics. - NY.: Academic press, 1976. Vol.6. - P. 1-40; Недялков И.В. Глагольное слово и пресуппозиция предикатного актанта в английском и русском языках (лексико-грамматические корреляции) // Семантика английского глагола в соотношении с признаками различных языковых уровней. - Смоленск: Изд-во СГПИ, 1988. - С. 106-111; Сильницкий Г.Г. Семантические классы глаголов и их роль в типологической семасиологии//Структурно-типологическое описание современных германских языков. - М.: Наука, 1966. - С. 244-260; Аринштейн В.М. Семантико-синтаксические особенности конструкций с каузативными глаголами воздействия в современном английском языке // Семантика слова и предложения: Межвуз. сб. науч. тр. / Ленингр.гос.пед.ин-т им. А.И. Герцена. - Л.: ЛГПИ, 1985.- С. 3-14.

<sup>11</sup> Королькова О.О. История формирования группы глаголов психического воздействия в русском языке. Дис. ... канд. филол. наук. - Новосибирск, 2004. - 160 с.



Ҳозирги пайтда “куч” семасини фаоллаштирувчи тил бирликларини алоҳида мустақил концептуал туркум ёки ягона концептуал макон доирасида бирлаштирадиган тадқиқот бажарилганича йўқ. Лекин таъкидлаш лозимки, ушбу тил бирликларининг баъзи гуруҳлари В.И.Карасикнинг тадқиқотида келтириб ўтилади<sup>12</sup>. Муаллиф бу бирликларни модаллик мазмуни ифодаси билан боғлиқ тил бирликлари сифатида ўрганади ва “*принудительного воздействия убеждающего*” ва “*воодушевляющего принуждения*” семалари асосида уларнинг дифференциал белгиларини аниқлайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Баркамол авлодни тарбиялашда ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида инглиз тилини ўқитиш муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли тизимли тилларда ажратилган тил бирликларининг функционал-семантик ва когнитив хусусиятларини, улар томонидан концептуал ахборотнинг вербал воситалар ёрдамида фаоллашуви жараёнини ўрганиш; ушбу тил бирликлари маъноларининг амалда қўлланилиши ва модификациясини таъминловчи асосий омилларни аниқлаш; турли тизимли тилларда концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг когнитив хусусиятларини тадқиқ қилишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликлари мазмунини аниқлаш мақсадида вербал воситаларнинг тилдан ташқарида бўлган омиллари (экстралингвистик) талқинларини ўрганиш;

концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг тузилиш хусусиятларини аниқлаш;

концептуал ахборот фаоллашувидаги тил бирликларининг мақомини ва уларнинг шу туркумга оидлик мезонларини аниқлаш, туркумнинг марказий ва марказдан узоқдаги (периферик) бирликларини аниқлаш;

концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг концептуал белгиларини ўрганиш;

изоҳлаш таҳлили ёрдамида концептуал ахборотни фаоллаштирувчи лексемалар мазмунидаги ўхшаш ва фарқловчи хусусиятларни аниқлаш;

тадқиқ қилинаётган концепт мазмунини ташкил қилувчи концептуал белгиларни ажратиш;

концептуал ахборот фаоллашувида каузатив феълларнинг контекстуал воқеланиши ва ушбу феълларнинг концепт шаклланишидаги ролини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** учун турли тизимли тиллардаги концептуал ахборотни фаоллаштирувчи от ва феъл сўз туркумларига оид тил бирликлари танланган.

---

<sup>12</sup> Карасик В.И. Язык социального статуса. - М.: Гнозис, 2002. - 333 с.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида турли тизимли тиллардаги концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликлари воситасида сўз туркумларининг морфологик, лексик-семантик ва концептуал хусусиятлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда изоҳлаш таҳлил методи, контекстуал таҳлил методи, когнитив таҳлил методи, концептуал таҳлил методлари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

концептуал ахборот фаоллашувидаги тил бирликларининг мақомини аниқлаш учун тил бирликлари туркумининг марказий ва марказдан узоқдаги бирликларини аниқлаш орқали уларнинг қайси туркумга тегишлилик мезонлари аниқланган;

ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг лисоний концептуал белгилари очиб берилган;

концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг функционал-семантик жиҳатдан фарқланиши асосланган;

концептуал ахборот фаоллашувида каузатив феълларнинг контекстда қайси тил бирликлари орқали воқеланиши асосланди ва ушбу феълларнинг концепт шаклланишидаги роли аниқланган;

тадқиқ қилинаётган концептуал ахборот мазмунини ташкил қилувчи концептуал белгилар далилланган;

нутқда концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг тафаккурга хос когнитив хусусиятлари ёритиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларини тил механизмининг бошқа фикрий (ментал) майдонлар тақдиротида, бошқа туркумдаги тил бирликларининг функционал-семантик ва когнитив таҳлилида (инглиз тили ва бошқа тиллар материалида) ишлатиш мумкин;

мазкур тадқиқот когнитив ёндашув йўналишида тил бирликлари муаммосига оид изланишлар таркибига яна бир ҳисса бўлиб қўшилди. Ушбу таҳлил натижаларига асосланиб, бошқа концептларни фаоллаштирувчи лексик бирликларни функционал-семантик ва когнитив жиҳатдан ўрганиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий, илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли тизимли тиллар грамматикаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, монографиялар, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик, ўқув қўлланмалари ёзишда илмий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Шунингдек, тадқиқот натижалари турли тизимли тиллардаги концептуал ахборотни фаоллаштирувчи лексик бирликларни функционал-семантик ва когнитив жиҳатдан тил тизимидаги мавқеи, когнитив хусусиятлари ҳақида илмий-назарий билимлар билан бойитади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, лингвистик тадқиқотчилар, таржимонлар ва инглиз тили ўқитувчилари учун амалий қўлланма вазифасини ўташи билан бирга, тадқиқот натижаларидан тилшуносликнинг когнитив грамматика, таржима назарияси, умумий тилшунослик, тил назарияси каби назарий ва махсус курслар бўйича маъруза матнларини тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг функционал-семантик ва контекстуал таҳлили, нутқдаги вазифаларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

концептуал ахборотни фаоллашувидаги тил бирликларининг мақоми, тил бирликлари марказий ва марказдан узоқдаги бирликларни аниқлаш воситаси орқали уларнинг қайси туркумга тегишлилик тадқиқи, тадқиқ қилинаётган концептуал ахборот мазмунини ташкил қилувчи концептуал белгиларни ажратилиб, бир тизимга солиш масалалари, концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг функционал-семантик жиҳатдан фарқли томонлари, нутқда концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг когнитив жиҳатдан таҳлил қилиш ҳақидаги илмий хулосалардан №ХИД-1-29 рақамли “Ўзбекистон олий ўқув юртларининг нофилологик факультетларида бакалавр йўналиши учун немис тили фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни татбиқ этишга оид дарсликни яратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа, 2017-2018 йилларда бажарилган 574097-EPP-1-2016-1-CYERPPKA2-CBHE-JP “Piloting ECVET to the National VET system of Russia and Uzbekistan” мавзусидаги халқаро лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлигининг 2019 йил 22 октябрдаги №89-03-4093 сон маълумотномаси)

концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг контекстуал воқеланиши борасидаги таклиф этилган материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган «Бедорлик» туркум радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган. Натижада радиотингловчилар учун тайёрланган эшиттиришларда концептуал ахборотни фаоллашувидаги тил бирликларининг мақоми аниқлаш, уларнинг қайси туркумга тегишлилик тадқиқи масалалари, уларнинг функционал-семантик жиҳатдан фарқли томонлари, турли тизимли тиллардаги концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг умумлаштирувчи (интеграл) ва фарқловчи концептуал белгилари масалалари ахборотни мазмунли узатиш омили эканлиги хусусида сўз борди. Дарҳақиқат, нутқда концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг когнитив жиҳатдан таҳлил қилиш ҳозирги замон тишунослигининг муҳим масалаларидан эканлиги радиоэшиттириш

давонида асослаб берилди. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 8 октябрьдаги О'z/r-1-171-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 162 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ҳозирги замон тилшунослигида тил унсурлари томонидан воқеланадиган концептуал ахборот таҳлилининг долзарб муаммолари**» деб номланиб, унда концептуал ахборот тушунчаси, унинг мантикий ва лисоний асослари, концептуал ахборотнинг лингвистик ва экстралингвистик талқини каби тушунчаларнинг турлича талқинлари таҳлил қилинган.

Инсон туғилиши биланоқ атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг қатнашчиси ва кузатувчисига айланади. У дунёдаги воқеликларни англайди, таҳлил қилади ва турли хил объектлар, жараёнларни бир-бирига таққослайди. Натижада, инсон маълум бир тажриба, билимни ўзлаштиради, онгига сингдиради ва унинг онгида турли даражадаги мураккаблик ва абстракциядаги концептлардан ташкил топган дунёнинг концептуал тасвири шаклланади.

Когнитив семантика назариётчилари ва амалиётчилари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, борлиқ табиий тил семантикасида “проекцияланади”, натижада Р. Жакендофф таъкидлаганидек, “проекциялашган дунё” (“projected world”) вужудга келади<sup>13</sup>. Ҳар бир тил жамоасида сўзловчилар ўзларининг фикрларини маълум бир образда ифодалашда ўзаро келишувлар юзага чиқади, яъни дунёни схемалаштириш,

---

<sup>13</sup> Jackendoff R. Semantics and Cognition. - Cambridge: The MIT Press, 1983. -283 p.

идеализация қилиш жараёнлари содир бўлади. Айнан шу идеализациялашган ва схемалаштирилган дунёда инсоннинг табиатидан келиб чиқадиган фикрий (ментал) конструкция - концепт ташкил топади ва у ташқи дунёни англашда, идрок этишда тафаккур фаолиятининг сўнгги маҳсули сифатида воқеланади.

Ў.Қ.Юсуповнинг таъкидлашича, охириги пайтларда тилшуносликда нисбийлик муаммоси яна ўрганила бошланди. Когнитология ва тилшуносликнинг ўзаро муносабати “когнитив тилшунослик”ни, культурология ва тилшуносликнинг муносабати эса “лингвокултурология” фанларини вужудга келтирди. Кўпгина тилшунос олимларнинг фикрича, когнитив тилшуносликда асосий диққат билим категориясига, унинг турлари муаммосига ҳамда мазкур билимларнинг тилда акс этишига қаратилади<sup>14</sup>.

Когнитив тилшунослик инсоннинг билиш фаолиятини ўрганувчи фанлар таркибига киради. Унинг асосий мақсади тил тизимининг оламни билиш жараёнидаги иштироки ва улушини аниқлашдир.

Концепт муаммоси ҳақидаги фикрларни Е.С.Кубрякова, Ш.Сафаров, Д.У.Ашурова, Ў.Қ.Юсуповларнинг ишлари<sup>15</sup>да учратиш мумкин. Концепт тўғридан-тўғри тилдаги инсон омилига боғлиқ муносабатда бўлади. У инсон дунёқарашининг интеллектуал, эмоционал мақсадидир. Концепт мазмуни эса бир умумий маъно билан бирлашган тил birlikлари орқали ифода қилинади ва улар лексик-семантик майдонни ташкил этади. Замонавий тилшуносликда лексик-семантик birlikлар йиғиндисини ифодалашда “майдон”, “турух”, “парадигма” каби терминлардан фойдаланилади<sup>16</sup>.

Бизнинг фикримизча, концепт – инсон ҳаёти давомида ҳис қилинган кечинмалар ва тажрибаларда сайқалланиб, лисоний воқеланади. Концепт тил орқали шаклланади ва унда нафақат фикрланади, балки бошдан кечирилади. Концептда индивидуаллик мавжуд, яъни концепт бирор бир шахснинг дунёқарашида, тафаккурида алоҳида кўринишга эга. Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, концепт ҳар бир тил эгаларининг дунёқараши умумлашмасида пайдо бўлади десак, муболаға бўлмайди.

Тадқиқ қилинаётган туркум тил birlikларининг маънолари турлича вербализацияси қилинади ва уларнинг асосини “куч” концепти ташкил қилади.

“Куч” концепти мураккаб ва кўп аспектли кўриниши билан характерланади. Бунда маълум бир жамиятдаги одамларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва шу жамият ёки уни бошқарувчи давлатнинг ўз фуқароларига қонун, фармойишлар (давлат ҳуқуқий мажбуриятлари) орқали

---

<sup>14</sup> Юсупов Ў.Қ. Когнитив лингвистика ҳақида //Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. - Тошкент, 2007. - 21-27 б.

<sup>15</sup> Кубрякова Е.С. Человеческий фактор в языке: язык и порождение речи. - М.: Наука, 1991. - 238 с.; Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор нашриёти, 2006. - 92 б.; Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Т.: Фан, 1991. - 100 с.; Юсупов Ў.Қ. Когнитив лингвистика ҳақида //Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. - Тошкент, 2007. - 21-27 б.

<sup>16</sup> Кузнецов А.М. От компонентного анализа компонентному синтезу. - Москва: Наука, Институт языкознания, 1986. - С. 50-110.

таъсир кўрсатиши назарда тутилади. ”Куч” концептини ўрганишга бўлган қизиқишни фалсафий, ижтимоий (социологик), психологик ва педагогик соҳаларда ҳам кузатишимиз мумкин ва шу нуқтаи назардан “куч” концепти илмий тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

М.Минский тадқиқоти<sup>17</sup> га таянган ҳолда, “куч” концептини доимий ва факультатив компонентлар тўплами кўринишида юзага чиқаришга ҳаракат қиламиз. Ушбу ҳолатда “компонент” термини концептуал катламда “куч” концепти вазият иштирокчилари ва ифода қилинаётган ҳолатларини конкретлаштирувчи элементларга мос келади.

Концептнинг зарурий компонентлари қайд қилинган ва улар мўлжалланган вазиятга нисбатан доимо ҳаққоний бўлган нарсаларга тўлиқ мос келади. Модомики, “куч” концептли вазиятлар маълум бир иш-ҳаракат бажарилишига маълум бир турдаги куч, уни амалга оширувчи шахс, кучни қўллаш қуроли кабилар мавжудлиги билан характерланар экан, концептнинг зарурий компонентлари “субъект”, “объект”, “куч ишлатиш қуроли”, “бажарилиши мўлжалланган иш-ҳаракат” кабилардан ташкил топади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Турли тизимли тилларда концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг функционал-семантик ва контекстуал таҳлили**» деб номланган. Мазкур бобда турли тизимли тилларда концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларининг контекстуал воқеланиши тадқиқ қилинган.

Концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларини ўрганиш тилни билиш ва тил орқали дунёни билишда муҳим омиллардан ҳисобланади. Концептуал ахборотни фаоллаштира оладиган **Force, Power, Strength** каби асосий луғавий бирликлар жисмоний, жисмоний бўлмаган, психологик, нутқий, ҳиссий таъсир характериға эга ҳамда улар “куч” концептини фаоллаштирувчи тил бирликлари сифатида ягона макон остига бирлашади. Буни қуйидаги жадвал асосида кўрсатиш мумкин:

| Инглиз тилида “куч” концептининг лексик майдони |  |  |
|---|--|--|
| №   | Концептуал ахборотни фаоллаштира оладиган асосий луғавий бирликлар | Концептуал ахборотни фаоллаштира оладиган <b>Force, Power, Strength</b> луғавий бирликларининг семантик ҳудуди |
| 1   | <b>Force (куч)</b>   | жисмоний куч, жамоа кучи, ҳаракат кучи, таъсир кучи  |
| 2   | <b>Power (куч)</b>   | куч-қудрат, бошқарув кучи, электр манбаи, ҳуқуқий куч, ҳарбий куч, сиёсий куч                                  |
| 3   | <b>Strength (куч)</b>  | жисмоний куч, яхши хулқ-атвор, сон-  |

<sup>17</sup> Минский М. Фреймы для представления знаний. - М.: Энергия, 1979. - 151 с.

|  |                         |
|--|-------------------------|
|  | микдор кучи, жамоа кучи |
|--|-------------------------|

Инглиз тилида концептуал ахборот фаоллашувида марказий ўринлардан бирида турувчи бу *force* тил бирлиги ҳисобланади. Ушбу тил бирлиги нутқда турли вазифаларда келиши мумкин(2.1-жадвалга қаранг). *Force* тил бирлиги от сифатида қуйидаги маъноларни ифода қилади:

Жисмоний куч, бақувватлик, кучлик. Масалан: The front of the car took the full **force of the collision**. *Автомобил олд қисми тўқнашувнинг тўлиқ кучини олди.*

Инсон ёки нарсага нисбатан ишлатилган куч ёки зўрлаш. Масалан: The police were accused of using **excessive force** when they made the arrest. *Ҳибсга олиш пайтида полицияни ортиқча куч ишлатганликда айблашди.*

Шу ўринда “куч” ҳодисасини намоён қиладиган воситаларни ҳам келтириб ўтамиз. He used brute force to open the door. He took the purse from her **by force** [=he used physical power to take her purse].


Табиатда содир бўлган ҳодисалар (ёмғир, шамол) жуда катта кучга эга бўлиши мумкин. The cliff was gradually eroded by the **forces of nature**. *Жарлик аста-секин табиат кучлари томонидан йўқ қилинди.*

Табиий ҳодисалардаги кучлар баъзан кўчма маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан: She gets people to do whatever she wants: **she's a force of nature** [=she's a very powerful person who cannot be easily controlled]. *У эшикни очиб учун қўпол куч ишлатди. Бола қиздан ҳамённи зўрлик билан олиб қўйди. [=У ҳамённи олиш учун жисмоний куч ишлатган]*

Маълум бир соҳа учун ташкиллаштирилган ёки тайёрланган кучлар, буларга ҳарбий кучлар, полиция ёки давлат мақсадларини ҳимоя қилувчи махсус кучлар бўлиши мумкин. Масалан: The company has a very large sales **force**. *Компания жуда катта савдо кучига эга.*

Бирор нарсани бажаришига ёки бирор нарсанинг содир бўлишига сабаб бўлувчи куч шахс ёки гуруҳга тегишли бўлиши мумкин. Масалан: **The organization** has been a strong force for good. [=has done a lot of good things]. *Ташкилот яхши ишлар учун катта куч сарфлади.*

### 1.1-жадвал. Force (куч) тил бирлигининг семантик хусусиятлари



“Куч” концептини нутқда фаоллаштирувчи тил бирликларидан бири бу- *power* тил бирлигидир. “Куч” концептини фаоллашувида *power* тил бирлиги

ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Қуйида ушбу бирликнинг ифодаланишига тўхталиб ўтамиз.


*Power* тил бирлиги от сифатида қуйидаги маъноларда ишлатилади.

Туғма қобилият ёки бирор нарсани қила олиш қобилиятига эга бўлиш маъноларини ифода қилиб келади: He was so shocked by what happened to his parents that he lost the **power of speech**. Бола ота-онаси билан бўлган воқеадан шунчалик тушкунликка тушдики, натижада тилидан мосуво бўлди.

Power тил бирлиги одамларни ва воқеа-ҳодисаларни назорат қила олиш қобилиятига эга бўлиш маъноларини ҳам ифода қилади: I've no power **over** him – he does what he wants to. Мен уни устидан назорат қила олмайман, у ўзи хоҳлаган нарсани қилади.

Мамлакатда сиёсий кучга эга бўлган шахс ёки жамоанинг кучи маъноларида ҳам ишлатилади. Масалан: Does the President have **more power** than the Prime Minister? Президент Бош вазирга қараганда кўпроқ кучга эгами?

### 1.2-жадвал. Power (куч) тил бирлигининг семантик хусусиятлари



“Куч” концептини фаоллаштирувчи бирликлардан яна бири бу - *strength* тил бирлигидир. Ушбу тил бирлиги контекстларда турлича воқеланади. Қуйида *strength* тил бирлиги билан воқеланган вазиятларни таҳлил қиламиз.

Катта жисмоний ёки фикрий (ментал) куч сарфланиб бажариладиган ишларни ифода этишида: She had the strength and stamina to take the lead and win the gold medal. Унда етакчилик қилиш ва олтин медални қўлга киритиш учун куч ва бардош бор эди.


Даражасига кўра маълум бир нарса кучли ва бақувват бўлган ҳолатларни ҳам ифодалаши мумкин: Opinion polls put the **combined** strength of the two ecology parties at 15% nationwide. Ижтимоий фикрлар бўйича ўтказилган сўровлар икки экологик партиянинг умумий кучи мамлакат миқёсида 15% ни ташкил қилди.

Яхши хулқ-атвор, фазилат маъноларини ифодалаш билан қуйидаги ўринларда ишлатилади: She's well aware of her strengths and weaknesses as an artist. У санъаткор сифатида ўзининг кучли ва заиф томонларини яхши билади.

Жамоадаги одамлар сонини ҳам ифода этиши мумкин: What's the current strength of the Cambridge shire police force? Кембриж полиция кучларининг ҳозирги кучи қандай?

### 1.3-жадвал. Strength (куч) тил бирлигининг семантик хусусиятлари





Қуйида биз ўзбек тили материалида куч лексик бирлигининг концептуал ахборот фаоллашувидаги ролига эътибор қаратамиз. Шунини таъкидлаш лозимки, инглиз тилидаги материалдан фарқли ўлароқ ўзбек тили материалида куч лексик бирлигининг ифода воситалари бирмунча ўзгача талқин қилинади. Инглиз тилида куч лексик бирлигини *to force, power, strength* ва шу каби тил бирликлари орқали ҳар бирини алоҳида лексик-семантик вариантлари билан таҳлил қилиш мумкин. Аммо ўзбек тилида бундай имкониятлар чекланган, сабаби ўзбек тили синтетик тиллар сирасига киради ва бу тилларда янги сўз ясаш, янги маъно ташкил қилиш учун кўшимчалардан кенг фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан биз куч лексик бирлигининг фаоллашувини ўзбек тилида сўз туркумлари негизида кўриб чиқишни лозим топдик.

Ўзбек тили материалида куч лексик бирлиги концептуал ахборот фаоллашувида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Куч лексик бирлигининг вербаллашув усуллари таҳлил қилиш мақсадида биз ўзбек тилининг изоҳли луғатида **куч** лексик бирлигининг маъноларини от сўз туркуми доирасида кўриб чиқамиз<sup>18</sup>.

**Куч.** Одам ва жониворларнинг ўз мускулларини ишлатиб жисмоний ҳаракат қилиш қобилияти; жисмоний энергия, қувват. *Жисмоний куч. Мускул кучи. Эсинг борида эл тани, кучинг борида ер тани. Мақол. Бола кучи етса челақ судраб, етмаса, кўра кўтариб саҳнга сув сепар эди.* (М. Исмоилий)

Меҳнат қилиш, яратиш, юзага келтириш қобилияти, иш-меҳнат. *Бир нарча куйган қора нон учун ёшлик чоғингдан ўз кучинг сотиб.* (Ҳамза, Бойлар)

Маънавий, ақлий ва руҳий қувват. Ақлий куч. *Ҳайдар ота кампирнинг ирода кучига ишонмас, шунинг учун ҳозир Асрорқулнинг унга рўпара бўлишини истамас эди.* (А.Қаҳҳор, Асрор бобо)

физ. Жисмларнинг ўзаро механик таъсир этиш қобилияти ва унинг ўлчови. *Марказдан қочма куч. Куч бирлиги.*

Таъсир қилиш даражаси; таъсир. *Дорининг кучи. Бу кунги қора совуқ куюш кучини-да кесган эди.* (А. Қодирий, Ўтган кунлар)

Бирор ишни амалга ошира билиш имкони, имконият, ҳол-қудрат, қурб. *Унинг автомашина сотиб олишга ҳам кучи етади.* — Қамбарали акани сотиб

<sup>18</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати(ЎТИЛ). 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 439.

олгани кучингиз етмаса керак. Милтиқ билан бўлмади, энди пул билан раҳна солмоқчимисизлар? (А. Қахҳор, Кўшчинор)

Бирор соҳада ва умуман ишлаб чиқаришда ишловчи кишилар. Хотин-қизлар — колхозда катта куч. Бугун Ўзбекистонда биринчи марта қурилаётган металл заводида ФЗОни битирган ёш кучлар келди. (Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси)

Иш кучи, ишчилар. Бирор ишни амалга оширишга қаратилган, унга ёрдам берадиган ҳаракат, ғайрат. Биз келишимовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик. (А. Қахҳор, Нутқ)

Ҳарбий кўшилмалар; кўшин. Қуролли кучлар. Танк ва мотодивизиялардан йигирма иккитаси катта ҳаво кучларининг ёрдами билан Калинин, Орёл, Тулага қараб бормоқда. (И.Раҳим, Чин муҳаббат)

Жамиятнинг бирор белги-хусусияти, дунёқараши билан фарқланувчи қисми. Реакцион кучлар. Синфий кучлар муносабати.

ҳуқ. Қарор, қонуннинг қўлланиши, жорийлиги. Қонун кучга кирди. Ҳукм кучда қолди. Қарор кучини йўқотди. Ёмоннинг кучи япалоққа етар.

**1.4-жадвал.** Ўзбек тилида КУЧ лексемаси семантикасида миқдордан сифатга томон борилади. (Бошқа тилларда ҳам шу ҳолат кузатилиши мумкин).

| Ўзбек тилида “КУЧ” концептининг функционал-семантик майдони   |   |        |  |   |
|---|---|--------|--|---|
| Сўз туркумлари асосидаги ядро перифериялари                   | Маъно характериға кўра ядро перифериялари |        | Куч тушунчасининг маъно кўлами(от сўз туркуми доирасида)   |   |
| От сўз туркуми (куч, кувват, қудрат, курб, ҳол)               | КУЧ (майдон ядроси)                       | Микдор | лексеманинг денотатив маъносига кўра   | жисмоний куч, меҳнат қилиш, ҳарбий кучлар, ишчи кучи, имконият (куч-кувват) |
| Феъл сўз туркуми (кучай, кучайтир, кучайтирмақ, кучсизланмоқ) |   | Оралик | лексеманинг денотатив ва коннотатив маъносига кўра нейтрал, баъзан контекст характериға кўра ўзгариши мумкин | таъсир кучи   |
| Сифат сўз туркуми (кучли, бақувват, соғлом, тўйимли...)       |   | Сифат  | лексеманинг коннотатив маъносига кўра  | ақлий куч, қонуннинг қўлланилиши, қувват / энергия                          |

“Куч” концепти майдон характериға эга. “Куч” концептининг майдон хусусиятини қуйидагича акс эттириш мумкин:



“Куч” функционал - семантик майдоннинг юқори қисмини куч лексемасининг денотатив ва коннотатив маъноси асосидаги микдор тушунчаси, оралиқ тушунча ва сифат тушунчаси ташкил этади.

Бу тушунчалар ядрога нисбатан периферия саналади. Бунда ядрога энг яқин периферия микдор тушунчасидир.

Майдоннинг пастки қисмидаги перифериялар сўз туркумлари доирасида белгиланган. Ядрога энг яқин периферияда отлар жойлашса, кейинги чегара феълларга, энг сўнггиси сифатларга тааллуқли бўлади. Куч концептининг шаклланишида сифатлар анча кучсиз чегарада туради.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида куч лексик бирлигини ифода қилувчи маъноларини феъл сўз туркуми доирасида кўриб чиқамиз<sup>19</sup>.

**Кучаймоқ.** Таъсир даражаси юқорилашмоқ, кучли тус олмоқ, авж олмоқ, зўраймоқ. *Оғриқ кучайди. Совуқ кучайди. Кўрғонда хотинларнинг, болаларнинг шовқини кучайди.* (Ойбек, Танланган асарлар)

Ўзига (янада) куч бермоқ; кучланмоқ. *Бунинг устига сипоҳлар яна ҳам кучайиб оломонни Хадрага қараб суришига муваффақ бўладилар.* (А. Қодирий)

**Кучайтирилмоқ** кучайтирмоқ фл. мажх. н. *Тарбиявий ишлар янада кучайтирилмоқда.*

**Кучайтирмоқ** кучаймоқ фл. орт. н. *Назоратни кучайтирмоқ. Тинчлик учун курашни кучайтирмоқ. Кўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, тош бўронни кучайтирди.* (Ойбек, Қутлуғ қон)

**Кучанмоқ** Бутун кучи билан кескин ҳаракат қилмоқ; тиришиб, чираниб зўр бермоқ. *Юкни кучаниб кўтармоқ. Ҳомид ҳануз қўлини бўшатишига кучанар эди.* (А. Қодирий, Ўтган кунлар)

**Кучланиш** физ. Электр зарядларининг силжишида, кўчишида электр кучининг ишини кўрсатувчи микдор. *Юқори кучланиш. Паст кучланиш.*

тех. Қаттиқ жисмда ташқи таъсир натижасида юзага келадиган сиқилиш ёки кенгайиш ҳодисаси ва унинг катталиги.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида куч лексик бирлигининг ифода маъноларини **кучли** сифат асосида кўриб чиқамиз<sup>20</sup>.

**Кучли** жисмоний қобилияти, куч-қуввати бошқаларга нисбатан ортик; бақувват. *Кучли йигит. Мутал кучли эди, аммо Отабек ундан ҳам кучли эди.* (А. Қодирий, Ўтган кунлар)

*Соглом ва яхши тараққий этган.* Юраги кучли. *Унинг [Гулнорнинг] хаёлида ёлғиз Йўлчигина учади, фикран у билан сўзлашади, гўё йигит унинг*

<sup>19</sup> ЎТИЛ. 5 жилдди. Иккинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 441.

<sup>20</sup> ЎТИЛ. 5 жилдди. Ўша жилд, ўша бет.

сочларини силайди, кучли, кенг кўрагига унинг бошини олиб эркалайди. (Ойбек, Кутлуғ қон)

Кучи, зарби сезиларли, қаттиқ, зўр. Кучли зарб. Кучли туртки.

физ., тех. Катта қувватга эга бўлган; қувватли. Кучли мотор. Кучли станок. Кучли трактор.

Иқтисодий, моддий ва бошқа жиҳатдан бақувват, зўр, қудратли. Кучли давлат. Кучли армия.

Таъсир кучи юқори, тез таъсир қиладиган. Кучли дори. — Энди шуни ичасиз, Хомид ака! — Йўқ, Содиқбой иним, мен жуда ҳам бўлиб қолдим, ўзи ҳам жуда кучли чиққан экан. (А.Қодирий, Ўтган кунлар)

Зухур этиши даражаси юқори; қаттиқ; шиддатли. Кучли шамол. Кучли фарёд. *Музлоқ тоғ бино бўлиб қоядай кучли гулдуросни эшитмаган эди.* (М. Исмоилий, Фарғона т. о.) *Эргашев пулемётидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардагидек варақраб қайнар эди.* (Н.Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши)

Ўз иш-ҳунарини яхши билувчи, қобилияти зўр; талантли. Кучли ўқувчи. Кучли спортчи. — *Хивада кучли табиблардан шу киши қолди ...— дея Иброҳим ота Ўтар бувани мақтаб кетди.* (Ж.Шарипов, Хоразм)

Таркибида ўғит моддалари кўп, унумдор; семиз. *Сен ҳам пахта берасан.. аммо еринг кучли, янги ер. Азот керак эмас.* (И.Раҳим, Чин муҳаббат)

**1.5-жадвал. Кучли** сифатининг денотат ва коннотатлари (изоҳли луғатлар асосида):

|                                |                           |                               |                                     |
|--------------------------------|---------------------------|-------------------------------|-------------------------------------|
| кучли (1:Д)<br>“бақувват”      | кучли (2:К)<br>“соғлом”   | кучли (3:К)<br>“зарби қаттиқ” | кучли (4:К)<br>“иқтисодий бақувват” |
| кучли (5:К)<br>“таъсири юқори” | кучли (6:К)<br>“шиддатли” | кучли (7:К)<br>“талантли”     | кучли (8:К)<br>“унумдор”            |
| кучли (9:К)<br>“тўйимли”       | кучли (...)<br>Х          | кучли (...)<br>Х              | кучли(21)<br>Х                      |

Рус тили материалида “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликларини С.И. Ожегов изоҳли луғатидан таҳлил қиламиз<sup>21</sup>. Рус тилида “куч” элементли тил бирликларини “сила” ва “сильный” лексик бирликлари орқали тадқиқ қиламиз.

Сила, -ы, женский род.

<sup>21</sup> Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка / под ред. проф. Л. И. Скворцова. – 26-е изд., испр. и доп. – М.: ООО «Издательство Оникс» : ООО «Издательство Мир и образование», 2010. – 1360 с.

1. Величина, являющаяся мерой механического взаимодействия тел, вызывающего их ускорение или деформацию; характеристика интенсивности физических процессов (специальное).

Единица силы. Центробежная с. сила тяжести. сила тока. сила света. сила инерции. сила ветра. Землетрясение силой в шесть баллов.

2. Способность живых существ напряжением мышц производить физические действия, движения; вообще - физическая или моральная возможность активно действовать. Большая сила в руках. Толкнуть с силой. Нет больше сил. Это свыше моих сил. Лишиться сил. Выбиться из сил. Собраться с силами. Приняться за работу со свежими силами. Применить силу (физическое воздействие). Силой заставили (насильно). Действовать убеждением, а не силой. Политика с позиции силы (об агрессивной политике).

3. обычно множественное число Материальное или духовное начало как источник энергии, деятельности. Силы природы. Творческие силы народа.

4. чего. Способность проявления какой-нибудь деятельности, состояния, отличающаяся определённой степенью напряжённости, устремлённости. Сила воли. Сила воображения.

5. Могущество, влияние, власть. Могучая сила слова. сила убеждения. Непобедимая сила народа.

6. Сущность, смысл (разговорное). Вся сила в том, что он знает это лучше меня.

7. Действенность, правомочность (закона; решения, правила). Закон вступил в силу. Закон обратной силы не имеет. Старое решение потеряло (утратило) силу.

8. Общественная группа, общественный слой, а также вообще люди, обладающие какими-нибудь характерными для них признаками. Соотношение классовых сил. Лучшие артистические силы.

9. множественное число Вооружённые силы, а также различные их виды. Военно-морские силы. Военно-воздушные силы. Главные силы (основная часть воюющих войск).

10. единственное число Большое количество, множество (просторечное). Народу там – сила.

10. силами кого-чего, в знач. предлога с родительный падеж падеж Используя кого-что-нибудь, при помощи кого-чего-нибудь. Построено силами студентов.

Сильный, -ая, -ое; силён и силен, сильна, сильно, сильный и сильны.

1. Обладающий большой физической силой, мощный. Сильный человек. Сильный ударение. Сильная машина. Сильная армия.

2. Очень основательный, убедительный. Сильные доводы. Сильная речь.

3. Обладающий твёрдой волей, стойкий. Сильный характер. Сильная натура.

4. Значительный (по величине, степени). Сильный ветер. Сильная боль. Сильное впечатление. Сильное горе.

5. Сведущий, талантливый. Сильный специалист. Сильный ученик. Силён в математике что-нибудь

6. Силён на что и с неопределённое наклонение глагола. Горазд на что-нибудь, ловок в чём-нибудь (просторечное). Силён врать.

7. полная форма прилагательного ф. О сорте пшеницы: с высоким содержанием клейковины. Сильные сорта. Сильные пшеницы. Сильные мира сего (книжное ироническое) - о влиятельных, пользующихся властью людях.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инглиз тили материалида *to force* феълининг вербализациясида кўриб чиқилган чегара аниқ эмас, бир неча ҳолатларда (масалан: субъект каузаторнинг импликация ҳолатида) феъл қайси маънода ишлатилаётганини билиш жуда қийиндир. Умуман, *to force* феъли ёрдами билан ифодаланадиган маънолар шуни кўрсатадики, мажбурийлик ташқи ва ички омиллар таъсирида мажбурланувчи шахс нуқтаи назаридан модаллик характериға эға. Шундай экан, юқорида таъкидланган маъноларидан *to force* феъли вербализацияси учун умумий белги - каузативлик белгисини кузатишимиз мумкин.

Рус тили материалида “сила” ва “сильный” лексик бирликлари ҳам тил материалиға хос бўлган концептуал ахборотни фаоллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Тадқиқот натижасида шундай ҳолатларға гувоҳ бўлдики, турли тизимли тиллар материалида “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари ўша тилни ўзига хос бўлган хусусиятларнигина намоён қилар экан. Бунға бир неча мисоллар келтириб ўтамиз. Масалан, рус тили материалида “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари “сильный” лексик бирлиги билан *сильный специалист, сильный ученик* мисолларида `моҳир`, `талантли` маъноларини англатади.

Ўзбек тили материалида эса `кучли мутахассис`, `кучли ўқувчи` маъноларини ифода қилади.

Инглиз тили материалиға келадиган бўлсак, кучли мутахассисни *powerful specialist* ёки кучли ўқувчини *powerful pupil* дея олмаймиз, уларнинг ўрниға *talented specialist* ёки *talented pupil* ибораларини қўллашимиз мумкин. Яна бир мисол, ўзбек тили материалида “куч” элементли концептуал ахборотни *кучли одам, баҳодир, полвон* лексик бирликлари орқали фаоллаштириши мумкин, аммо рус тилида шунчаки “силач”, инглиз тилида эса “*strong*” лексик бирликлари билан вербаллашувини кузатиш мумкин.

Демак, турли тизимли тилларда “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари тўлиқ бир хилда вербализация қилинмайди ва бу ҳолат тилларнинг социологик, психологик, социо-прагматик, лингвокогнитив жиҳатдан фарқланиши билан изоҳланади.

## 2.1-жадвал

| № | Белги        | Инглиз тили материалида | Ўзбек тили материалида | Рус тили материалида |
|---|--------------|-------------------------|------------------------|----------------------|
| 1 | Жисмоний куч | +                       | +                      | +                    |
| 2 | Жамоа кучи   | +                       | +                      | +                    |
| 3 | Ҳаракат кучи | +                       | +                      | +                    |

|    |   |   |   |   |
|----|---|---|---|---|
| 4  | Таъсир кучи   | + | + | + |
| 5  | Бошқарув кучи   | + | + | + |
| 6  | Электр кучи   | + | + | + |
| 7  | Ҳукукий куч   | + | + | + |
| 8  | Ҳарбий куч  | + | + | + |
| 9  | Сиёсий куч  | + | + | + |
| 10 | Сон,миқдор кучи   | + | + | + |
| 11 | Яхши хулқ-атвор,фазилат   | + | + | + |
| 12 | Меҳнат қилиш  | - | + | + |
| 13 | Маънавий, руҳий қувват,ақлий куч                                    | + | + | + |
| 14 | Иш кучи, ишчилар  | + | + | + |
| 15 | Жамиятнинг бирор белги-хусусияти, дунёқараш билан фарқланувчи қисми | + | + | + |
| 16 | Тиришиб, чираниб зўр бериш  | + | + | + |
| 17 | Иқтисодий, моддий жиҳатдан бақувват, қудратли                       | + | + | + |
| 18 | Ўз иш-хунарини яхши билувчи, талантли                               | - | + | + |
| 19 | Таркибида ўғит моддалари кўп, унумдор,семиз                         | - | + | - |
| 20 | Ўсиш, ривожланишни тезлаштирадиган,тўйимли,тўқ тутадиган            | - | + | - |
| 21 | Назорат, талаб  | + | + | + |

Инглиз тили материалида “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари 17 та белги билан, ўзбек тилида 21 та белги, рус тилида эса 19 та белги билан характерланади.

Инглиз тилида куч концептининг вербаллашувида доминант белгилар сифатида жисмоний куч, жамоа кучи, ҳаракат кучи, таъсир кучи, бошқарув кучи, электр кучи, ҳукукий куч, ҳарбий куч, сиёсий кучлар олинган. Ўзбек тилида доминант белги сифатида жисмоний куч, жамоа кучи, ҳаракат кучи, таъсир кучи, бошқарув кучи, электр кучи, ҳукукий куч, ҳарбий куч, сиёсий куч, ўз иш-хунарини яхши билувчи, талантли, ўсиш, ривожланишни тезлаштирадиган,тўйимли,тўқ тутадиган каби унсурларни ўз ичига олади. Рус тилида доминант белги сифатида жисмоний куч, жамоа кучи, ҳаракат кучи, таъсир кучи, бошқарув кучи, электр кучи, ҳукукий куч, ҳарбий куч, сиёсий куч, ўз иш-хунарини яхши билувчи, талантли каби маъноларни ифода қилади.

Хулоса қилишимиз мумкинки, инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари турли тизимли тилларда бирдек талқин қилинмайди ва бу тилни ўрганишга бўлган антропоцентрик ёндашувнинг нақадар тўғри танланганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Турли тизимли тилларда концептуал ахборотни нутқда фаоллаштирувчи тил бирликларининг когнитив таҳлили**» деб номланиб, унда «куч» интеграл семасига эга бўлган тил бирликлар когнитив жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Биз ўтган бобларимизда концептуал ахборотни вербал воситалар ёрдамида воқелантирилиш масаласини турли томонлама тадқиқ қилишга

ҳаракат қилдик. Ушбу бобда эса концептуал ахборотни нутқда фаоллаштирувчи хусусиятларга тўхталамиз. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, мавзу нақадар кенг қамровли ва ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидан келиб чиқиб, биз ушбу масалани инглиз тили материали асосида кўриб чиқишни лозим топдик. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу масала ҳар бир тил доирасида алоҳида тадқиқот объекти бўла олади.

Концептуал ахборотни фаоллаштирувчи тил бирликларини таҳлил қилиш жараёнида шундай тил бирликлари аниқландики, улар концепт шаклланишида ўзларининг салбий баҳолаш хусусиятлари билан фаол эканлиги маълум бўлди. Бундай салбий баҳолаш усуллари орқали “куч” концепти турли хил жисмоний, жисмоний бўлмаган таъсир натижасида фаоллашади. Шу ўринда айтиш мумкинки, “куч” концептини фаоллаштиришда фақатгина ижобий кучларга таянмасдан, балки инсон учун нохуш бўлган салбий кучларни ҳам назарда тутиш лозимдир. Бундай ҳолатлар турли хил интеграл семаларга эга бўлган тил бирликларининг лингвистик таҳлилида ўз аксини топади. Қуйида ушбу интеграл семалардан бири бўлган “бирор нарсага куч билан эришиш” семасини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Инглиз тилидаги “**Verb + something +out of +somebody**” моделини ишлатган ҳолда, *to force* феъли “тергамоқ (ўсмоқчилаб сўрамоқ), дўқ- пўписа йўли билан ундирмоқ” маъноларини ифодаловчи бир қатор синонимик феъллар қаторини ташкил қилади. Ушбу феълларга *to get (out of), extort, squeeze, extract, wring, drag, worm, screw* ва бошқа бирликлар киради, ушбу тил бирликлари умумий “куч” концепти маконига тегишли бўлган “бирор нарсага куч билан эришиш (қўлга киритиш)” интеграл семасини ҳосил қилади. Улар инглиз тили изоҳли луғатларидаги “куч” концептини турли даражада фаоллаштириши билан характерланади. Ушбу тил бирликлари “куч” концепти ифодаларини ташкил қилишда қўшимча хусусиятлар эга ва бу хусусиятлар “куч” концептининг хусусиятлари билан мос тушади. Қуйида ушбу хусусиятларни кўриб чиқамиз:

Синтактик жиҳатдан “куч” концепти (жисмоний ёки вербал) ҳаракат образининг ҳолатини намоён қилиши мумкин. *Қийноқлар билан мажбурлаш, куч ишлатиш.* Масалан: Facts, at any rate, could not be kept hidden. They could be squeezed out of you **by torture**; *Қандай бўлмасин, далилларни яшириб бўлмайди. Сизни қийноққа солиш орқали уларни сиқиб чиқаришлари мумкин.* For what was there that they had not screwed out of him **under the torture?**; *Нега энди ўша ерда қийноқ остида ундан тортиб олмадилар?*

*Дўқ-пўписа билан мажбурлаш, куч ишлатиш.* Taxes ... are only extorted **by threatening notices**. *Солиқлар ... фақат таҳдидли хабарлар билан ундирилади.*

*Қатъий ишонтириш, сўроқ қилиш ва шунга ўхшаши воситалар мажбурлашнинг вербал воситаси сифатида:* **After much persuasion** they managed to extract the information from him; *Кўп ишонтиришлардан сўнг, улар ундан маълумот олишга муваффақ бўлишди.* **After repeated questioning**



the police wormed out of him what had actually happened. *Бир неча бор сўроқ қилинганидан кейин полиция ундан нима бўлганини суғуриб олди.*

“Куч” концепти ифода воситаларининг *to get (out of), extort, squeeze, extract, wring, drag, worm* феъллари ва бошқа шу каби феълларнинг маъно нозикликлари, улардан кейин тадқиқ қилинаётган феъллар предикат актанти вазифасида келади. Ушбу нозикликлар “куч” концептини фаоллаштирувчи воситаларни тўлиқ тасвирлашга хизмат қилади ва улар:

“Куч” концептини фаоллаштирувчи усул ва воситалар ишлатилишининг кўп қирралилигини имплицитлаштиради: The police **did everything they could** to get the name of his accomplice out of him, but he wouldn't talk. *Полиция унинг шериги исмини билиб олиш учун ҳамма нарсани қилди, лекин у гапирмади.*

Одамлар устидан бошқара олиш ғоясини беришида: Buyers use **different ruses** to wring free credit out of their suppliers. *Харидорлар етказиб берувчилардан бепул кредит олиш учун турли хил ҳийлалардан фойдаланадилар.*

Шундай ҳолатлар учрайдики, субъектда бошқа бир шахсда у ёки бу ҳаракатни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқи бўлмайди ва у шу нарсани англайдики, объект ўз ихтиёри билан талаб қилинган ишни бажармайди. Бундай ҳолатларда субъект ишонтириш, кўндириш, унатиш ва шунга ўхшаш ҳолатлар тактикасини қўллайди ёки бирданига қаттиқ, зулмкор, кўрқитувчи чораларни қўллайди. Бундай таъсир омиллари инглиз тилида *to intimidate, bully, bulldoze, browbeat, cow, threaten* ва бошқа бирликлар билан ифода қилинади. Улар ўз семантикасида “*бирон-бир шахсни кўрқитиш, куч ишлатиш йўли билан ўз мақсадига эришиш*” гиперсемасига тегишлидир. Тадқиқ қилинаётган феълларнинг кенг семантик структураси “куч” концепти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишда муҳим аҳамиятга эгадир.

“Субъект” ва “объект” нинг доимий компонентлари жонли мавжудот, яъни агенс - антропоним ҳисобланади: "Jenny, if you're so convinced I'm a loser, why did **you** bulldoze me into buying you coffee?"; – *Женни, агар менинг ютқазганимга ишончингиз комил бўлса, нега мендан қаҳвахонани сотиб олишга уринган эдингиз?* In 1972 **his neighbours** intimidated **his family** into leaving. *1972 йилда қўшнилари уни оиласини тарк этиш билан кўрқитдилар.*

Бунга ўхшаш мисоллар борлиги шуни кўрсатадики, “нутқий мажбурлаш (дўқ-пўписа йўли билан мажбурлаш)” семаси юқорида санаб ўтилган барча тил бирликлари структурасида мавжуддир, бироқ баъзи бирликлар семантикасининг кенглиги, унинг концептуал характериға сабаб бўлади. Айрим ҳолатларда феъл маъноси нафақат дўқ-пўписа, ҳаракатланиш ва шунга ўхшаш нарсалар, балки куч ишлатишнинг жисмоний усуллари – “using force/violence” ни имплицитлаганда, нутқ семаси феъл структурасида фаоллашмаслиги ҳам мумкин.

“Дўқ-пўписа, кўрқитиш билан мажбурлаш” каби умумий интеграл белгидан ташқари, ушбу тил бирликлари турли фарқловчи семаларни ҳам ифода қилади.

*To intimidate* ва *to cow* тил бирликлари билан субъект дўк-пўписа, кўрқитиш билан куч ишлатади ва шунинг воситасида кўрқинчли бошдан кечиришга, юмшоқ табиатлиликни намоён қилишга мажбур қилади.

*To cow* тил бирлигининг хусусиятлари унда “ҳаракатга нисбатан қобилият ва эркинлик йўқолиши ва кўрқитиш натижасида бўйсунтириш” семасининг мавжудлигидан иборатдир.

*To bulldoze* тил бирлигининг семантикасида каузатор томонидан кўрқитишнинг шундай воситалари ишлатиладики, буларда шантаж, дўк-пўписа, қатъий талаблар ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлади.

*To bully* тил бирлиги “кўрқитиш, кимгадир зулм қилиш, жабрлаш, ўзини димоғдор тутиш ёки ўзгалар устидан масҳара қилиш”, субъект томонидан жисмоний куч ишлатиш ва интенсив равишда босим ўтказиш каби маъноларни ифода қилади. Ҳақоратли муносабат, хўрлаш элементлари билан мажбурлашни ифода қилиб, таҳқирлаш *to browbeat* тил бирлиги семантикасида имплицитлашади ва уни *to bully* тил бирлиги билан яқинлаштиради, таъсир натижасида объект эркинлик босим ўтказиш импликацияси ушбу *to cow* тил бирлигининг маъноси билан яқинлигини билдиради.

Ўз семантикаси билан нейтрал ҳисобланган *to persuade* тил бирлиги “ишонтириш йўли билан куч ишлатиш” интеграл семасига шу сабаб билан киритиладики, унда маълум бир контекстда у ишонтиришдан кўра куч ишлатишга яқинроқ бўлган ҳолатни ифода қилиши мумкинлигини англатади:

... peaceful activity alone would never persuade the apartheid regime to relinquish power ... *тинчликсевар ҳаракатнинг ўзи ҳеч қачон ирқий айирмачилик режимини ҳокимиятдан кетишга кўндиролмайди.*

Ифода қилинаётган вазиятда каузатор ўз ҳаракатлари билан таъсир ўтказилаётган шахсга шундай шартлар қўйишга ҳаракат қиладики, бунда уни мажбурловчи субъект хоҳишига кўра ҳаракат қилишга ундаш ҳолати кузатилади. Мажбурловчи субъект бу ерда мавҳум (абстракт) от билан ифода қилинади. Контекст таъсири билан *to persuade* тил бирлиги маъносидаги нутқ семаси йўқ бўлиб кетади ва у “куч” концептини фаоллаштирувчи тил бирликларига яқинлашади, натижада каузация жараёни мақсадни ифодаламасдан, инсон истак-хоҳишларига таъсирини намоён этади.

Юқорида таъкидланган омиллардан ташқари, *to persuade* тил бирлиги нейтрал персуазивликни ҳам ифодалайди. Бу феълнинг маъно кўлами кенглигини назарда тутган ҳолда (Longman Language Activator да берилган 8 та ЛСВ) шунини айтиш мумкинки, *to persuade* феъли каузатор томонидан ишлатилган таъсир натижасида салбий баҳолашни ҳам англатади.

## ХУЛОСА

1. Концептуал ахборотни тил қатламида фаоллаштирувчи от ва феъл сўз туркумларига кирувчи тил бирликларини маълум бир ягона туркумга шундай асосда ажратиш мумкинки, уларда маъно асосида шаклланган ўхшаш тафаккур тасаввурлари ётади. Тадқиқот учун танлаб олинган тил бирликлари ўз маъноларининг юқори даражадаги мавҳумлиги (абстракт)

билан характерланиб, борлиқнинг кузатиб бўлмас, аммо ақлан фахмлаб олинадиган жиҳатларини ифода этади.

2. “Куч” концептининг доимий компонентлари қайд қилинган ва улар мўлжалланган вазиятга нисбатан тўлиқ мос келади. Шу сабабли “куч” концепти вазиятлари маълум бир иш-ҳаракат бажарилишига эришишда субъект ва объект мавжудлиги билан характерланади ва концептнинг доимий компонентлари “субъект”, “объект”, “куч ишлатиш қуроли”, “бажарилиши мўлжалланган иш-ҳаракат” кабиларда намоён бўлади.

3. “Куч” концептининг структураси ва концептуал мазмунини ҳисобга олган ҳолда “куч” концепти туркумига кирувчи тил бирликлари қуйидаги мезонлар бўйича гуруҳларга киритиш мумкин: 1) ҳар бир тил бирлигининг концептуал структураси юқорида зикр этилган концептнинг доимий компонентларини ўз ичига олиши керак; 2) концептнинг ҳеч бўлмаса битта концептуал белгиси (жисмоний куч, ирода кучи, зўрлаш, фаоллик, бошқарув, назорат қилиш, таъсирнинг интенсивлиги ва қатъийлиги, таъсирнинг салбий баҳолаш усули) тил бирлиги семантикасида ифодаланган бўлиши керак.

4. Танлаб олинган тил бирликлари луғавий таърифларининг компонент таҳлили улар семантикасида “куч” концептининг турли даражада фаоллашув босқичларини аниқлаш имконини берилади. Инглиз тилида “Куч” концепти анчайин абстракт, интеграллашган шаклда *force, power, strength* тил бирликларининг семантик структурасида намоён бўлади ва у куч ишлатиш, уни қўллашни ифода қилувчи кенг кўламдаги маъно(лексик-семантик вариант)ни ўзида мужассам этади.

5. Ўзбек тили материалида куч лексик бирлиги концептуал ахборотнинг фаоллашувида муҳим роль ўйнайди. Шунини таъкидлаш лозимки, инглиз тилидаги материалдан фарқли ўлароқ ўзбек ва рус тиллари материалида куч лексик бирлигини ифода воситалари бирмунча ўзгача талқин қилинади. Инглиз тилида куч лексик бирлигини *to force, power, strength* ва шу каби тил бирликлари орқали ҳар бирининг алоҳида вербаллашув усуллари билан таҳлил қилиш мумкин. Аммо ўзбек ва рус тилларида бундай имкониятлар чекланган, сабаби, ўзбек ва рус тиллари синтетик тиллар сирасига киради ва бу тилларда янги сўз ясаш, янги маъно ташкил қилиш учун қўшимчалардан кенг фойдаланилади. Шунинг учун куч лексик бирлигининг фаоллашуви ўзбек ва рус тиллари материалида сўз туркумлари негизида кўриб чиқилди.

6. Каузатив муносабатларни кенг диапазонда ифода қилувчи *to get, have* феъллари жисмоний таъсирни ифода қилиш доирасида типик ҳисобланмайди. Марказдан узоқ бўлмаган бирликлар концептнинг у ёки бу доимий бўлмаган компонентларини экспликация қилувчи тил бирликлари конкрет маъноларида ҳам намоён бўлиши мумкин.

7. “Куч” концептини фаоллаштирувчи тил бирликларининг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш тажрибасини умумлаштирган ҳолда, ушбу бирликларни ўрганишга бўлган қуйидаги асосий ёндашувларни қайд этиш лозим:

1) лексик-семантик ёндашув (концептнинг лексик-семантик хусусиятлари тадқиқи тил бирликлари лексикаси туркумларини ташкил қилиш мақсадида интеграл ва фарқловчи семаларни аниқлаш);

2) синтагматик ёки синтактик ёндашув (тил бирликлари валентликлари миқдори ва сифатини, ушбу бирликларнинг объектли, субъектли ва предикат актантили типларини, уларнинг структуравий моделларини аниқлаш);

3) прагматик-нутқ актлари назарияси доирасидаги ёндашув.

8. Тематик ва лексик-семантик белгиларга кўра ўрганилаётган тил бирликларининг аввалдан кўзда тутилган кучни қўллаш вазиятини ифодалаши, уларда концептуал асоснинг умумийлигидан далолат беради. Гиперсема (куч) интеграл семантик белги саналади ва бир вақтнинг ўзида “куч” концептини фаоллаштирувчи тил бирликлари учун синтактик валентлик ҳисобланади. Бир одамнинг маълум бир мақсад билан бошқа бир шахс истак-хоҳишига таъсир қилиши, тил бирлиги структурасида мақсадли каузация семаси борлиги билан характерланади. Ушбу компонент тил бирлигини жонли субъект ва объект билан бирикиб келиши ва гап структурасида каузатив воқеликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Инглиз тили материалида “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари 17 та белги билан характерланса, ўзбек тилида 21 та, рус тилида 19 та белги борлиги кузатилди. Инглиз тилида куч концептининг вербаллашувида доминант белгилар сифатида жисмоний куч, жамоа кучи, ҳаракат кучи, таъсир кучи, бошқарув кучи, электр кучи, ҳуқуқий куч, ҳарбий куч, сиёсий кучларни санаш мумкин. Ўзбек тилида доминант белги сифатида жисмоний куч, жамоа кучи, ҳаракат кучи, таъсир кучи, бошқарув кучи, электр кучи, ҳуқуқий куч, ҳарбий куч, сиёсий куч, ўз иш-ҳунарини яхши билувчи, талантили, ўсиш, ривожланишни тезлаштирадиган, тўйимли, тўқ тутадиган каби унсурларни ўз ичига олади. “Куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари бирдек талқин қилинмайди ва бу тилни ўрганишга бўлган антропоцентрик ёндашувнинг нақадар тўғри танланганлигидан далолат беради.

9. “Куч” концептини фаоллаштирувчи тил бирликлари таҳлили шундай ҳулосага олиб келадикки, “куч” концепти мураккаб, фикрий (ментал) тузилма ҳисобланиб, унда бошқа концептуал майдонлар (“ишонтириш орқали куч ишлатиш”; “ноиложлик”; “психологик босим”; “нутқий коммуникация” концептуал майдонлари ) билан ўзаро таъсир ва алоқаларни кузатиш мумкин. Шундай қилиб, “куч” концепти табиатига кўра (ўз ичига психик куч ишлатиш элементларини олган ҳолда) “*жисмоний куч ишлатиш*” ва “*тергаиш, қўрқитиш, дўқ-пўписа йўли билан билиб олмоқ*“, “*буйруқ/талаб*”, “*таҳдид*”, “*ишонтириш/кўндириш*” каби семантик блокларни ташкил қилувчи “*психологик босим*” концептуал майдонлари учун макроконцепт ҳисобланади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
PhD.03/30.12.2019.Fil.05.02 AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

---

**KOKAND STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE**

**BEKTASHEV OTABEK KODIRALIEVICH**

**REALIZATION OF LANGUAGE UNITS WITH THE ELEMENT  
«FORCE» IN THE ACTUALIZATION OF CONCEPTUAL  
INFORMATION**

**10.00.11 –The language theory. The applied and computer linguistics**

**DISSERTATION ABSTARCT  
of the doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

**Ferghana – 2020**

**The theme of the dissertation for Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Higher Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No. B2017.2.PhD/Fil.222.**

The dissertation has been worked out at the Kokand state pedagogical institute.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the Scientific Council website: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) and on the website: «ZiyoNet» Information and Educational portal [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Scientific advisor:** **Umarkhujaev Muxtorxon Eshonkhujayevich**  
Doctor of Philological Sciences, Professor

**Official opponents:** **Hakimov Muhammadxon Hujaxonovich**, Doctor of Philological Sciences, Professor  
**Hayrullaev Hurshid Zaynishevich**, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

**Leading organization:** **Uzbek State World Languages University**

The defense of the dissertation will take place on \_\_\_\_\_ «\_\_\_», 2020 at \_\_\_\_\_ at a meeting of the Scientific Council PhD.03/30.12.2019.Fil.05.02. under Ferghana State University (address: 19, Murabbiy Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-66-02; Fax: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

The dissertation can be reviewed in the Information Resource Centre of the Ferghana State University (Registration No. \_\_\_\_\_). Address: 19, Murabbiy Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-71-28.

The abstract of the dissertation is distributed on \_\_\_\_\_ «\_\_\_», 2020.

Protocol of the register No. \_\_\_\_\_ as of \_\_\_\_\_ «\_\_\_», 2020.

**A.A. Kosimov**  
Chairman of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

**I.T. Xojaliev**  
Scientific Secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences

**A.M. Mamajanov**  
Chairperson of the Scientific Seminar at the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The topicality and necessity of the dissertation theme.** Anthropocentric approach to cognitive linguistics, linguoculturology and linguistic analysis, which is now taking its place in modern linguistics, has brought many new insights into terminology and methods of analysis. The importance of social and communicative-pragmatic research of language conceptualization of conceptual information in various systematic languages can be explained by the development of cognitive orientation in modern linguistics.

Given the emerging trends in cognitive linguistics, linguoculturology, language, and other scientific fields, we can say that the study of the mental (mental) processes in the human mind in relation to linguistic activity has not been sufficiently studied yet. It is well known that linguistic semantics represent the world, and traditionally linguists call it “the linguistic picture of the world.” In cognitive linguistics, however, there is a concept called “conceptual depiction of the universe.” Linguists say that human knowledge is based on concepts. Concept theory is also an emerging theory that puts a number of studies on the agenda. Consequently, the structure and structure of concepts, the basic principles of grouping, and other important issues await resolution in linguistics. The absence of a unanimous view of this suggests that the concept is multi-layered and complex. In this context, today's linguistic study of conceptual information in different systematic languages is related to the need for exploring the situations and how these “force” elemental units are activated by specific vocabulary units.

Studies of cognitive linguistics in different systematic languages have been conducted mainly in the field of conceptualization, with few monographs on categorization. Therefore, this problem has not been comprehensively studied in the context of different systematic languages.

Priority strategic direction in the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan is “... to stimulate scientific research and innovation activities, to create effective mechanisms of implementation of scientific and innovative achievements<sup>22</sup>” took new work to develop methodical instructions. In the same way today, the study of verbal transmission of conceptual information in different systematic languages reveals that the problem is socially, communicative and pragmatic, while at the same time in contemporary linguistics research is more relevant.

Resolution of the First President of the Republic of Uzbekistan No. PP-1875 “On Measures to Further Improve the System of Learning Foreign Languages” dated December 10, 2012, Resolution of the Cabinet of Ministers of May 8, 2013 Decree of the First President of the Republic of Uzbekistan dated May 13, 2016 N UP-4797 “On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi” February 7, 2017, the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-4947 on the basis of the further development of the strategy, Resolution of the Cabinet of Ministers of the

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28.

Republic of Uzbekistan dated August 8, 2017 “On Measures for Further Improvement of Foreign Language Teaching in Educational Institutions”. The tasks set in the Decrees of October 21, 2013 “On measures to radically improve the authority and prestige of the Uzbek language as a state language” and other regulatory legal acts in this area implementation of this insurance to a certain extent.

**Relevance of the research to the leading directions in the development of science and technology in the Republic.** The dissertation research was carried out in accordance with the priority directions of development of science and technology of the Republic “Formation and implementation of innovative ideas system in social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and democratic state”.

**Degree of the study of the problem.** In the world of linguistics, a number of studies have been devoted to the study of language units, which have the term “force”. This issue is addressed by N.D. Arutyunova, A.A. Ufimtseva, T.Y. Kim, M.Y. Glovinskaya, N.V. Eliseeva, S.K. Voronova, A.M. Amatov, L. Talmy, Th. Ballmeretal's research<sup>23</sup> has also been extensively covered.

In linguistics, along with the general features of verbs, the works of I.G. Jirova, Th. Ballmer, A. Wierzbicka<sup>24</sup> as verbs of command or demand, and

---

<sup>23</sup> Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. - М.: Яз. рус. культуры, 1998. - 895 с.; Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принцип семиологического описания лексики. - М.: Наука, 1986. - 240 с.; Ким Т.Я. Семантика и синтаксическая сочетаемость глаголов побуждения // Исследования по семантике (семантика языка и речи). Межвуз. сб. науч. тр. - Уфа: Изд-во Башк. гос. ун-та, 1991. - С. 125-131; Гловинская М.Я. Русские речевые акты со значением ментального воздействия // Логический анализ языка. Ментальные действия. - М.: Наука, 1993. - С. 82-88; Елисеева Н.В. Когнитивный аспект семантики и функционирования английских глаголов речевой коммуникации. Автореф. дисс...канд. филол. наук.-М., 1996.-25с.; Воронова С.К. Пропозициональная модальность глаголов каузации мнения в современном английском языке // Синтаксическая семантика конструкций с предикатными актантами. - Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1998. - С. 151-192; Воронова С.К. Пропозициональная модальность глаголов каузации мнения в современном английском языке // Синтаксическая семантика конструкций с предикатными актантами. - Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1998. - С. 151-192; Ааматов А.М. Семантика и синтаксис сложных предикатов с каузативным побудительно-волеитивным значением: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - М., 2000. - 20 с.; Talmy L. Semantic causative types // Syntax and semantics. - NY.: Academic press, 1976. Vol.6. - P. 43-116; Ballmer Th., Brennenstuhl W. Speech act classification. A study in the lexical analysis of English speech activity verbs. - Springer, Berlin Heidelberg, 1981. - 276 p.

<sup>24</sup> Жирова И.Г. Лексико-семантическая группа глаголов, выражающих волеизъявление в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Одесса, 1990. - 16 с.; Ballmer Th., Brennenstuhl W. Speech act classification. A study in the lexical analysis of English speech activity verbs. - Springer, Berlin Heidelberg, 1981. - 276 p.; Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков / Пер. с англ. А.Д. Шмелёва под ред. Т.В. Булыгиной. - М.: Яз. рус. культуры, 1999. - 780 с.



verbs of persuasiveness have been studied in the works of N.A. Kobrina<sup>25</sup>. In these works, the language units were mainly studied in separate groups, or any analysis of the verbs of speech effect was conducted within the lexical-semantic groups of verbs.

The modal component (meanings of necessity and obligation) understood from the language units that activated the concept “force” is closely related to the sense of reflection. In the works of V.I. Karasik, E.I. Belyaeva, I.G. Jirova, E.E. Cordy, J.A. Yakubov<sup>26</sup> the modal meanings were studied. The incorporation of modal components into the units of the concept of “force” has motivated linguists to call them modal modifiers<sup>27</sup>. “Modulated verbs” or “causative-modal verbs<sup>28</sup>” occupy the intermediate position between true modal and non-modal verbs.

Taking into account the use of various verbal means of the concept “force”, L.M. Vasilev expresses the meaning of “coercion”, “persuasion”, “pressure”, “rape” and their English equivalents to force, compel, conducted research on the semantic properties of coerce, oblige, and persuasiveness (from English to persuade - persuasive verbs) to express coercion<sup>29</sup> (to induce, prevail, cajole, beguile, trick, manipulate, con, etc.).

The group of language units belonging to the speech communication category has been investigated by Eliseeva<sup>30</sup> N.V. The author combines verbs (such as cajole, coax, wheedle, inveigle, sweet-talk, etc.) in verbs that express the meaning of “command,” “forbid,” “beg,” in the group of speech verbs analyzes semantic and functional features of language units, meaning “advice”, “alert”, “please”.

The semantic and functional features of language units related to the conceptual area of speech communication were studied in the works of

---

<sup>25</sup> Кобрина Н.А. Модусные категории как способы выражения субъективного отношения человека к высказыванию // Вопросы когнитивной лингвистики. - Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 2006. - №2. - С. 90-100.

<sup>26</sup> Карасик В.И. Языковая личность: культурные концепты. - Волгоград; Архангельск: Перемена, 1996. - 259 с.; Беляева Е.И. Анализ системы средств выражения модальности вынужденности в методическом плане // Методика обучения иноязычной устной речи. - Воронеж: Изд-во Воронежск. гос. ун-та, 1979. - С. 8-12; Жирова И.Г. Лексико-семантическая группа глаголов, выражающих волеизъявление в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Одесса, 1990. - 16 с.; Корди Е.Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. - М.: Едиториал УРСС, 2004. - 168 с.; Якубов Ж.А. Модальная категория сининг мантик ва тилда ифодаланиш семантик хусусиятлари. -Т.: Фан, 2005. - 223 б.

<sup>27</sup> Беляева Е.И. Функционально-семантические поля модальности в английском и русском языках. - Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1985. - 180 с.

<sup>28</sup> Карасик В.И. Языковая личность: культурные концепты. - Волгоград; Архангельск: Перемена, 1996. - 259 с.

<sup>29</sup> Васильев Л.М. Семантика русского глагола. Глаголы речи, звучания и поведения. - Уфа: Изд-во Башк. гос. ун-та, 1981. - 71 с.

<sup>30</sup> Елисеева Н.В. Когнитивный аспект семантики и функционирования английских глаголов речевой коммуникации: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - М., 1996. - 25 с.

L.M. Vasilev, M.A. Shibatani, V.P. Nedyalkov, G.G. Silnitsky and V.M. Arinestein<sup>31</sup>.

An important theoretical contribution to this thesis is the results of research on the psychoactive effects of Russian language units performed by O.O. Korolkova. The author's expression is grouped into language units that correspond to the character of the effect, and then divide these units into synonyms based on their meaning<sup>32</sup>.

Up to present, no research has been done to link language units that activate the term “force” within a single conceptual category or a single conceptual space. However, it should be noted that some groups of these language units are mentioned in V.I. Karasik's research<sup>33</sup>. The author examines these units as language units related to the expression of modal content and identifies their differential markings based on the terms “prinuditelnogo vozdeystviya ubejdayushchego” and “voodushevlyushchego prinujdeniya”.

**Relevance of the dissertation topic to the research works carried at the higher educational institution where the work was done.** The theme of this research is based on the theme “Problems and solutions of the implementation of innovations into the education system”, approved by the academic council meeting of Kokand State Pedagogical Institute on January 31, 2019. , Problems of teaching English in vocational colleges and universities”.

**The aim of the research** deals with the study of the functional-semantic and cognitive properties of language units in different systematic languages, the process of activation of conceptual information by verbal means; to identify the key factors that facilitate the practical application and modification of the meaning of these language units; the study of the cognitive properties of language units that activate conceptual information in different systematic languages.

**Objectives of the research:**

study of extrinsic (non-linguistic) interpretations of verbal means to determine the content of language units that activate conceptual information in different systematic languages;

---

<sup>31</sup> Васильев Л.М. Семантика русского глагола. Глаголы речи, звучания и поведения. - Уфа: Изд-во Башк. гос. ун-та, 1981. - 71 с.; Shibatani M. A grammar of causative constructions: A conspectus// Syntax and Semantics. - NY.: Academic press, 1976. Vol.6. - P. 1-40; Недялков И.В. Глагольное слово и пресуппозиция предикатного актанта в английском и русском языках (лексико-грамматические корреляции) // Семантика английского глагола в соотношении с признаками различных языковых уровней. - Смоленск: Изд-во СГПИ, 1988. - С. 106-111; Сильницкий Г.Г. Семантические классы глаголов и их роль в типологической семасиологии//Структурно-типологическое описание современных германских языков. - М.: Наука, 1966. - С. 244-260; Аринштейн В.М. Семантико-синтаксические особенности конструкций с каузативными глаголами воздействия в современном английском языке // Семантика слова и предложения: Межвуз. сб. науч. тр. / Ленингр.гос.пед.ин-т им. А.И. Герцена. - Л.: ЛГПИ, 1985.- С. 3-14.

<sup>32</sup> Королькова О.О. История формирования группы глаголов психического воздействия в русском языке. Дис. ... канд. филол. наук. - Новосибирск, 2004. - 160 с.

<sup>33</sup> Карасик В.И. Язык социального статуса. - М.: Гнозис, 2002. - 333 с.

to determine the structure of language units that activate conceptual information in different system languages;

to determine the status of language units in conceptual information activation in different system languages and their criteria for this category, to determine the central and peripheral units of the series;

study of generalizing and differentiating conceptual features of language units that activate conceptual information in different systematic languages;

to identify similar and distinctive features of lexemes in the context of lexemes that activate conceptual information by using annotation analysis in different systematic languages;

to isolate and organize conceptual symbols that form the content of the concept being studied in different systematic languages;

to determine the contextual realities of co-expressive verbs in the activation of conceptual information in different systematic languages and the role of these verbs in conceptual formation.

**The object of the research** is the language units of nouns and word categories, which activate conceptual information in different systematic languages.

**The subject of research** is the morphological, lexical-semantic, and conceptual features of word categories through language units that activate conceptual information in different systematic languages.

**Methods of the research.** Methods of interpretative analysis, method of contextual analysis, cognitive methods of analysis, conceptual analysis were used in the dissertation.

**The scientific novelty of the research:**

To determine the status of language units in the activation of conceptual information, a category of language units was developed to determine their category by means of identifying central and non-central units;

revealed generalized and distinctive conceptual features of language units that activate conceptual information in different systematic languages;

functional-semantic differences of language units that activate conceptual information in different systematic languages have been justified;

the activation of conceptual information in different systematic languages is based on which language units are represented in the context, and the role of these verbs in conceptual formation has been defined;

conceptual symbols constituting the content of the conceptual information being studied in different systematic languages are isolated and integrated into one system;

the cognitive features of language units that activate conceptual information were revealed in the speech.

**The practical results of the research are as follows:**

It is established that the results of research can be used in presentation of other mental (mental) fields of language mechanism, functional-semantic and cognitive analysis of language units of other categories (English material and other languages);

This study is a contribution to research on language unit problems in the cognitive approach. Based on the results of this analysis, it is possible to study functional-semantic and cognitive aspects of lexical units that activate other concepts.

**Reliability of research results.** The reliability of the results of the research is due to the fact that the articles, conclusions, suggestions and recommendations published in the national and international scientific and methodological and scientific-practical conference collections, special journals in the list of HAC and foreign scientific journals have been approved by authorized organizations.

**Scientific and practical significance of the research results.** The scientific significance of the results of the research is that it provides a scientific basis for research in grammatical systems of various languages, monographs, writing textbooks and manuals for universities and academic lyceums and professional colleges. Also, the results of the research enrich lexical units that activate conceptual information in different systematic languages with scientific-theoretical knowledge about functionality, semantic and cognitive status of cognitive features in language systems.

The practical significance of the thesis is that it serves as a practical guide for linguistic students, linguistic researchers, translators and English teachers, as well as the use of research findings to compile lectures on theoretical and special courses in linguistics, such as cognitive grammar, translation theory, general linguistics, and language theory.

**Implementation of research results.** Functional-semantic and contextual analysis of linguistic units that activate conceptual information, based on the suggestions developed during the research of speech functions:

Information on the scientifically based functional and semantic and contextual features of language units that enhance conceptual information in various systematic languages, and on the role of these units in the development of vocabulary and vocabulary development. Creation of a textbook on the introduction of new pedagogical technologies ”(Kokand State Pedagogical Institute reference No.963 dated October 21, 2019). The scientific results of the dissertation served as the basis for the interpretation of the relevant vocabulary units;

problems of the analysis of generalized (integral) and differentiated conceptual features of language units that activate conceptual information in different systematic languages in the dissertation, functional and semantic differences of language units activating conceptual information; from the scientific theoretical conclusions on the cognitive analysis of language units that activate conceptual information in the speech, as part of the goals set by the Kokand State Pedagogical Institute in Education Development Strategy in Uzbekistan: Used in the upcoming project 574097-EPP-1-2016-1-CYEPPKA2-CBHE-JP "Piloting ECVET to the National VET system of Russia and Uzbekistan" (project manager A.G. Eminov). (Certificate of the Kokand State Pedagogical Institute No.1896 dated October 21, 2019)

The materials proposed by the National Television and Radio Company of Uzbekistan were used in the preparation of the “Bedorlik” series of radio

broadcasts by the National Television and Radio Company of Uzbekistan. Reference No. 139). As a result, the specifics of the structure and design of language units that activate conceptual information in different systematic languages, and their contextual relevance, have been crucial in radio broadcasts.

**Approbation of the results of research.** The results of this study were made public in the reports of 1 international and 11 national scientific and practical conferences.

**Presentation of the research results.** Published 12 scientific papers on dissertation topics, including those recommended for publication of the main scientific results of doctoral dissertations of the Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan, including 9 in national and 3 in foreign journals.

**The structure of the dissertation.** The thesis consists of an introduction, three chapters, a summary and a list of used literature, totaling 162 pages.

### **THE MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION**

The **introduction** is based on the relevance and relevance of the research, the purpose, objectives, object and object of research, conformity with the priorities of the national science and technology, and the scientific novelty, practical results of the research, the scientific and practical significance of the results, information on the implementation, published works and the structure.

Chapter one entitled “**Actual problems of conceptual information analysis in language linguistics in modern linguistics**”.

As soon as human beings are born, they become participants and observers of events occurring in the environment. He understands the world's realities, analyzes them, and compares various objects and processes. As a result, a person acquires a certain experience, knowledge and understanding, and in his mind develops a conceptual image of the world consisting of complexity and abstraction concepts of different levels.

From the point of view of the cognitive semantics theorists and practitioners can say that the whole thing is “projected” in the natural language semantics, and R. Jackendoff said that the “projected world” would come into being<sup>34</sup>. In each language community, there are mutual agreements in expressing their ideas in a particular image, that is, the process of scheming and idealization of the world. It is in this idealized and structured world that the concept of mentality arises from the nature of man, and it is emerging as the final outcome of his thinking and perception of the outside world.

According to Yusupov, lately the problem of relativity in linguistics has begun to be researched again<sup>35</sup>. The relationship between cognitivism and linguistics has created “cognitive linguistics”, and the relation of culturology and linguistics to “linguoculturology”. Many cognitive linguists believe that the main focus of cognitive linguistics is on the category of knowledge, the problem of its kind, and its reflection in the language.

---

<sup>34</sup> Jackendoff R. *Semantics and Cognition*. - Cambridge: The MIT Press, 1983. -283 p.

<sup>35</sup> Юсупов Ў.Қ. Когнитив лингвистика ҳақида //Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. - Тошкент, 2007. - 21-27 б.

The cognitive approach is one of the ways of explaining the phenomenon of language-specific phenomena. Cognitive linguistics is a part of science that studies human knowledge. Its main purpose is to determine the participation and share of the language system in the learning process of the universe.

Opinions about the notion of the concept can be found in the works of E. Kubryakova, Sh.Safarov, D.U. Ashurova, U.Yusupov. The concept is directly related to the human factor. It is the intellectual, emotional purpose of human thought. The concept is expressed through the common language units combined with a common meaning and constitutes a lexical-semantic area. The term “field”, “group”, “paradigm” is used to describe the lexical-semantic units in modern linguistics<sup>36</sup>.

In our opinion, conceptuality and linguistic resonance are experienced in experiences and experiences of human life. The concept is formed by language, and it is not only moody, but also experienced. The concept has an individuality, that is, the concept has a distinctive look in the worldview of a person. From this point of view, it would not be worthy of speculation that the concept appears in the aggregation of the ideas of every language creator.

Most of the dialects in which they are being studied are derived from a variety of narrow-minded meanings (verbalization) and form the basis of the concept “force”.

The concept “force” is characterized by its complex and multidimensional form. This implies the interaction of individuals within a particular society and the effect of laws, regulations (legal obligations of the state) on their citizens by that society or its governing state. Interest in the study of the concept “force” can be observed in philosophical, social (sociological), psychological, and pedagogical areas, and the concept “force” has been chosen as an object of scientific research.

Based on the work of M. Minsky, we try to reveal the concept “force” in the form of continuous and optional components<sup>37</sup>. The term “component” in the conceptual layer corresponds to the elements of the concept “force” and to the elements expressing the state of expression.

